

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ОЗИҚ ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЙЎНАЛИШИ
1-КУРС 186-ГУРУХ ТАЛАБАСИ АБДИРАХИМОВА
ДИЛФУЗАНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ”
ФАНИДАН “АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ
ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ
ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧГА АСОС СОЛИНИШИ”
МАВЗУСИДА ТАЙЁРЛАГАН**

РЕФЕРАТИ

Илмий раҳбар:

Х.О. Хосиятов

ҚАРШИ – 2016

**Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва ўзбек давлатчилиги тарихида янги
босқичга асос солиниши**

Режа:

1. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва ўзбек давлатчилиги тарихида янги босқичга асос солиниши.
2. Амир Темур давлати сиёсий тузуми.
3. Амир Темур давлатида ижтимоий-иктисодий хаёт.
4. Темурийлар давлатида солиқ тизими.
5. Амир Темур ва Темурийлар давлатининг хуқуқий асослари.

Амир Темур Мовароуннахрнинг қонуний хукмдори бўлиб олгач, мамлакат худудларини бирлаштиришга кириши. Хоразм устига беш маротаба (1371, 1373, 1375, 1379, 1388) юриш қилди. Шош, термиз, Хисор, Бадахшон, Қундуз хукмдорлари тобелик билдирилар. Мўғалистон устига тўрт марта юриш қилиб, шарқий худудлар дахлсизлигини таъминлайди 1371, 1374, 1375, 1376, 1377). Уч бор Манғишлоқ хокими Тўйхожа ўғлон фарзанди, Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриш қилиб, (1389, 1391, 1394, 1395) Олтин Ўрдани мағлубиятга учратди.

Амир Темур 1380 йилдан бошлаб Хуросон юришларини бошлайди. Тус, Нишопур, Сабзавор жангиз таслим бўлди. Шундан сўнг Амир Темурнинг Эронга қарши уч йиллик (1386), беш йиллик (1392), етти йиллик (1399) амалга оширилади. 1398-1399 (сентябр-март) йилларда Хиндистон юриши, 1401 бил Шомга, 1402 йили Боязидга қарши юришлари муваффақиятли якунланди. Энг асосий юришлардан бири Хитойга қарши мўлжалланган эди. Бу юришга 1404 йил кузидан тайёргарлик бошланди, бироқ Амир Темурнинг 1405 йил 18 февралда вафот этиши Хитой сафарининг амалга ошмай қолишига сабаб бўлди.

XIV аср ўрталарига келиб, Чигатой улусидаги барқарорлик Қозонхон вафотидан сўнг (1336-1347) барҳам топди. Сиёсий ва иқтисодий инқироз Амир Қозоғон (1347-1357) даврида янада авж олди. Амир Қозоғон фитна натижасида ўлдирилгач, Чигатой улуси беклари ўзларини мустақил деб эълон қилдилар: Кешда Амир Ҳожи Барлос, Ҳўжандда Боязид жалойир, Балҳда Ўлжой Буғо Сулдуз, Шибирғонда Мухаммад Ҳожа Аперди найман, Хутталонда Амир Кайхусрав ва Ўлжой Аперди, Тотканд ва Сарипулда Хизр Ясовурий, Кўхистонда Амир Сотилмиш ҳукмронликни қўлга киритдилар. 1348 йили таҳтни эгаллаган Туғлук Темур Мовароуннахрда ўз мавқенини тиклаш учун икки марта (1360-1361) юриш қилди. Шу вактда Туғлук Темур хизматига кирган Амир Темур Шахрисабз хокими этиб тайинланди. 1362 йилда у Балҳ хокими Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб билан яқинлашиб, мўғулларга қарши иттифоқ туздилар. Бироқ 1365 йил Илёсхўжага қарши бўлган «Лой жанги»даги мағлубият уларнинг иттифоқига рахна солади. Самарқандни ишғол қилмоқчи бўлган Илёсхўжа эса сарбадорлардан мағлубиятга учраб, чекинади. Икки амир келиб, Самарқандни эгаллайди. Сарбадорлар бошлиқларининг Амир Ҳусайн томонидан қатл этилиши ўртадаги иттифоқнинг барҳам топишига сабаб бўлади. 1370 йил Амир Темур қўшинлари Балҳда Амир Ҳусайнни мағлубиятга учратди ва шу ерда амирлар қурултойида Амир Темур Мовароуннахр хукмдори этиб сайланди. Амир Темур ҳукмронлиги йилларида Чингизхон наслидан Суоргатмиш (1370-1388) ва унинг ўғли Султон Махмуд (1388-1402) расмий равища таҳтни бошқардилар.

Амир Темурнинг давлат бошқарув тизими бутун худудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган эди. Давлат ўз таркибий тузилишига қўра харбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қиласди:

- давлат сиёсий жихатдан мустақил бўлиши.
- Давлат ва жамиятнинг сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги.
- Давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилиши.
- Бошқарув тизими мувофиқлаштириб турувчи қоидалар шакилланган бўлиши.
- Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ахволи давлат эътиборида бўлиши.
- Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш.
- Хар бир давлат шарт-шароити, тартибларига қўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташки дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган холда олиб бориши.
- Давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустахкам ийон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик илия англамоғи.

Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, яъни, жамият ривожи ва барча ижтимоий табақалар, манфаатларини таъминлашини қўшди. Бошқарув икки идордан: даргоҳ ва вазирлик (девон) дан иборат бўлган. Даргоҳни Олий хукмдор бошқарган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девонлар, махаллий хокимят идоралари билан боғланиб туриш ишларини Олий девон юритган.

Олий девонда-ижроия хокимятида бош вазир, харбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири турган. Сарҳадлар ва тобех мамлакатлар бошқаруви билан шуғулланувчи уч вазир девонбегига хисобот бериб турган. Марказий хокимят тизимида шайхуислом, қозикалон, қозий аҳдос (одат бўйича хкум чиқарувчи қози), қози аскар, садри аҳзам (вакф ерлари, мулклари мусасаддиси), доддоҳ (шикоятларни киравчи), эшикоға, сарой вазири, ясовул ва бошқалар бўлган.

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Амир Темурнинг хизмати шундаки. У давлатчиликнинг бошқарув тизими, ички ва ташки сиёсатининг тартиб қоидалар, хуқуқий асосларини янги тарихий шароитда такомиллаштирди. Ташки ва ички фавқулодда воқеалардан воқиф турувчи минг нафар пиёда, минг нафар тую минган, минг нафар от минг чопарлар бўлган. Бутун салтанат бўйлаб бир кунлик йўл оралиғида

емхоналар ташкил этилган. Хар бир емда 20-200 бошдан от – улов тутилган. Амир Темур мамлактатни бошқаришда ўз яқинларига суянган. Давлат бошқарув ишларида Сохибқирон ислом қонун-қоидаларига асосланган.

Амир Темур хокимят тепасига келгач, барча соҳада мўғуллардан қолган вайронагарчиликни тугатиш ва ободонлаштириши, қишлоқ хўжалиги ва сугориш тармоқларини таъмирлаш ишларига асосий эътибор қратди. Давлат турли тоифага мансул мулк соҳиблари бирлаштирилди. Қаттиқ интизом ўрганилди. Мамлакатда ахвол яхшиланиб, хунарманд ахолининг турмуш даражаси яхшиланди. Темур давлатидаги ижтимоий тузум давлат таркибига кирган халқларнинг турли туманлиги, уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги, инобати билан боғлиқ эди. Амир Темур мамлакатни бошқаришда ахолининг ўн иккита ижтимоий гурухга бўлганлиги манбаларида қайд этилган. Улар қўйдаги ижтимоий тоифалардир:-сайидлар, олимлар ва шайхлар.

- катта тажрибага эга илмли кишилар.
- Дуо килувчи тақводорлар.
- Лашкарнинг сипохлари, сарханг ва амирлар.
- Аскарлар ва халқ оммаси.
- Далат бошқарув ишларини аъло даражада биладиган маслаҳатгўй доно ва ақлли кишилар.
- Вазирлар, котиблар, девон бошлиги.
- Тиббиёт ахли, мунажжим ва мухандислар.
- Мухаддислар ва муаррихлар.
- Тасаввуф вакиллари ва орифлар.
- Хунармандлар ва санъаткорлар.
- Ажнабий сайёхлар ва савдогарлар.

Бу ижтимоий тоифалар ёки қатламлар Амир Темур давлатининг маъмурий-бошқарув тизимидағи тартиблар билан алоқадор холда унинг харбий сиёсий характерда бўлганлигини ҳам кўрсатиб туриди.

XV асрда зироатчилик билан шуғулланувчи кишлоқ ахли орасида бир қисми имтиёзларига эга бўлган ва улар солиқларнинг оз миқдорини тўлашган. Ахолининг жуда катта қисмини ижарачи-чорикорлар ва жамоа дехқонлари ташкил этган. Қишлоқлар жамоа ёки қарийа деб юритилган. Унинг мулки бутун жамоа ахлига қарашли бўлган.

Хунармандчилик соҳасида асосий ишлаб чиқарувчи ижтимоий тоифа эркин хунармандлар бўлган. Улар шахарда яшовчи савдогарлар билан бир қаторда маданий марказнинг ўрта хол вакиллари саналганлар. Темурийлар даврида солиқнинг асосий тури-

хирож бўлган. Ер солиги хосилнинг уч бир қисмигача бўлган. Боғлардан танобона солиги олинган. Шунингдек, жон солиги, улоғ, бегар ҳам мавжуд эди.

Ерга эгаликнинг кенг тарқалган турихусусий ер эгалиги бўлган суюргол эди. XV асрда зироатчилар қандай ер мулкларида яшаб, экин экишларига қараб хирож тўлаганлар. Улар асосан тўрт турга

1. давлат ерларида ишловчи зироаткорлар.
2. Хусусий мулк ерларида ишлайдиган зироатчилар.
3. Ўз ерида ишловчи зироатчилар.
4. Вакф ерларида ишловчи зироатчиларга бўлинган.

Хирож асосан маҳсулот ёки пул билан олинган. Мағлуб шахар аҳолисидан сари шумор (жизъя) олинган. Мамлакат хавф остида қолган вақтда фавқулодда солик - аворизот йиғиб олинган. Дўкондор хунармандлардан тамға солиги олинган. Халқ кўплаб хашар ишлари (бегар)га жалб этиб турилган. Шунингдек мулкдорлар ўз мулкларининг кирқдан бир қисми микдорида закот тўлаб турганлар. Чегарадаги божхоналарда четдан келган савдогарлардан бож ундирилган, маҳаллий савдогарлар эса тагжой солиги, боғдорлар танобона тўлаганлар.

Амир Темур давлатида хуқуқий муносабатлар бошқа Шарқ давлатларида бўлгани каби Қуръони Карим, хадисларда баён этилган тартиб - қоидаларга асосланган эди.

Амир Темурнинг хуқуқ ва қонун унсурлари «Темур тузуклари»да ўз аксини топган. Бу асарда давлат юмушлари, ҳарбий соҳа, раият ва ижтимоий тузумнинг барча қатламлари хақида сўз юритилади. Унда таъкидланишича, дунёвий жихатларни хукмдорнинг ўзи, яъни, Амир Темур назорат қилган ва керакли жазони шам ўзи берган. Шариат ишлари билан эса шариат қозиси шуғулланган. Шунингдек, давлат девонининг турли бўғинларида ҳам турлича қозилар фаолият юритган, масалан, лашкар учун маҳсус қози, раият учун алохида қози тайинланган. Амир Темур давлатида хуқуқ тизими қуидагича бўлган:

Шайхулислом-мамлакатда мусулмонларни ножӯя ишлардан сақлаш ва савоб ишларга ундаш бўйича масхул шахс. Садрлар-ахли исломга бошчилик қилган. Асосий вазифалари вақфларни назорат қилиш бўлган: шунингдек улар суюрголни ҳам белгилаб турганлар.

Мутаваллий-садрлар томонидан вақфларни бошқариш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи шахс.

Қози-хар бир шахар ва вилоятла, девонинг турли бўғинларида қонунни назорат қилган. Қозилар мартабаси ва даражасига кўра бир-бирилан фарқ қилган.

Мударрис-диний масалалар, шариат, тафсир, хадис ва фикҳдан дарс берувчи шахс.

Мухтасиб-бозорларда тарози, нарх-навони назорат қилувчи маҳсул.

Булар орасида қози ва садрлар ўз ишлар юзасидан шахсан Амир Темурнинг ўзига хисобот бериб турғанлар. Амир Темур қатъий қонунлар ва тартибларни ўз тузукларида ёзиб қолдирган:-хазинабон молия ишларига хиёнат қилса, ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маоши хисобидан ушлаб қолинган:

- агарда сипохий бирор-бир кимсага зулм қилса, уни ўша жабрланган кишига топширганлар ва жабрланувчи ўзи хохлаганча жазолаган;
- қишлоқ ёки шахар амалдорлари пастроқ тоифадаги кишиларга зулм етказсалар, катта миқдорда жаримага хукм этилганлар;
- халқقا жабр зулм қилган киши жарима билан ёки дарра билан жазоланган;
- кимда-ким ўғирлик қилса, ўғирланган нарсани қайтариши шарт бўлган ёки қаттиқ жазоланган.

Кишиларга етказилган хар қандай зарар учун, жисмоний зарар учун ҳамда шароб ичиш, зино ишлар билан машғул бўлиши каби жиноятлар шариат қозиси чиқарган хукмга биноан жазоланган.

Мўғуллар истилоси ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ва маданиятига катта талофат етказди, кўп обод жойларни вайронага айлантириб, минглаб кишиларни кириб ташлади. Лекин истилочилар ўрта Осиё халқларининг озодлик кўрашини, уларнинг хўжалик ва маданиятда эришган тажриба ва анъаналарини емириб ташлай олмадилар. Шу боис, X1У асрнинг 50 йилларига келиб Чигатой улусига қарашли вбўлган Мовароуннаҳр майда феодал давлатларга булинган бўлиб, Шаҳрисабз (Кеш) да Хожи Барлос, Хужандда жалойирлар ҳукмдори Боязид, Балхнинг бир қисм ида Қозоғонининг набираси Амир Ҳусайн, иккинчи қисм ида-Улжабуга Сулуз, Бадахшонда-Бадахшон шоҳлари ва бошқа вилоятлар ҳокимлари ўртасида тинимсиз уруш- жанжаллар давом этиб келарди. Шундай қилиб, бир томондан мўғулларнинг истилоси, иккинчи томондан феодалларнинг ўзаро урушлари мамлакат ва халқ бошига катта кулфатларни солди. Бу даврда феодал ўзаро урушларига аралашиб, жаҳон қобилияти ва уддабуронлиги билан элга танилган Амир Темур ибн Тарагай Баҳодир Моварауннаҳ ҳаётида кўрина бошлади.

Амир Темур қандай шахс эди?

Темур тўғрисидаги шов-шувлар, хақиқатни ва афсоналар асрлардан асрларга ўтиб, бизнинг кунларгача этиб келган. Совет тарихшунослик илмида унинг серқирра, қарама-қаршиликларга бой фаолиятига фақат бир томонлама баҳо берилди. оқибатда кўпчиликонгида Амир Темур фақатгина "қонхўр", "босқинчи", "золим" шоҳ бўлган, унинг тарихимизда ҳеч бир хизмати йўқ. деган нотўғри тушунча пайдо бўлди Темур ўрта

асрнинг йирик шахсларидан биридир. Шунинг учун ҳам унинг шахсига бўлган қизикиш ҳозирги кунда қадар жуда катта аҳамиятга эга. Амир Темур 1336 йилда Шахрисабз яқинида Хўжаилғор қишлоғида туғилди.

Амир Темурнинг болалиги ва ёшлиги тўғрисида расмий маълумотлар йўқ. Аммо айрим манбаларда баъзи тавсилотлар келтирилган. Темур болалигиданоқ ақлу- фаросати ва жасурлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган. Унда ёшлигиданоқ тенгкурларини уюштириш ва орқасидан эргаштириш, қалтис вазиятларда ақлий тадбирлар топиш каби ноёб қобилият намоён бўлган. Темур ҳарбий машғулотларнинг сирларини эгаллашга кўпроқ эътибор берган. Мўғулистон хони Туғлук Темур Мовароуннаҳрнинг заифлашганидан фойдаланиб 1360 -1361 йилларда ҳеч каэрга қаршиликка учрамасдан Қашқадарёга қадар келиб қолган вақтда, Кеш ҳокими Хожи-Барлос Хурсонга қочиб кетади, Темур эса Туғлук Темурга хизматга киради ва 25 ёшга кичик, аммо жуда бой вилоят яъни Шахрисабз ҳокимига айланади. Туғлук Темурга хизматга киришга мақсадини Амир Темур жаҳон "Темур тўзукларида" куйидагича баён этади: "...Мовароуннахр вилоятини қатлу-баротдан қуткариб қолишга қарор қилдим" (Темур тўзуклари 18 бет). Бироқ Темур Мўғулистон хонига узоқ вақт хизмат қилмади. Туғлук Темур ҳокимияттни ўғли Илёс-Хўжага топшириб, Амир Темурга эса сипохсолар (бош кўмондон) лавозимини таклиф этгандан сўнг, у Илёс-Хўжага хизмат қилишдан бош тортиб, бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўrnата бошлади. Уларнинг ичida Балх ҳукмдори Амир Ҳусайн бор эди. Амир Ҳусайн Чигатой улусининг ўлдирилган амири Қозоғоннинг набираси бўлиб Мовароуннаҳрга асосий давогарлардан бири саналарди. "Зафарнома"да таъкидланишича Темур ва Ҳусайн дастлаб "дўст тутунишга", ганимларга қарши биргаликда кўрашишга, бир-бирига ҳеч қачон хиёнат қилмасликка Қуённи ўртага қўйиб қасам ичишади. Темур Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркан хотинга уйланиб, иттифоқни қариндошлиқ ришталари билан мустаҳкамлади. Темур Ҳусайн билан бирга туркманлар устига ва Сейистонга босқинчилик юришлари қилади. Сейистонда Темур ўнг қўли ва ўнг оёғидан яраланади ва натижада деярли қуриб қолади ва бир умр оқсоқланади, шу сабабли ҳам Темурланг, яъни оқсоқ Темур (Европада- Темурланг) деган лақаб олади. Туғлук Темур вафот этгандан сўнг Моварауннаҳрдан ҳайдалган Илёсхўжа 1365 йилда қайта қўшин билан Моварауннаҳга юриш қилади. Ҳусайн билан Темур қўшинтаерлаб, уни Чиноз ва Тошкент яқинида қўтиб олиб жанг қиладилар. Тарихга бу жанг "Жанг лой" номи билан кирган, чунки кучли жала қўйиб, отлар лойда тойиб кета бошлаган, Оқибатда бу жанг Темур ва Ҳусайннинг мағлубияти билан тугалланди ва улар аввал Самарқандга, кейин Балхга чекинишиди. Илёсхўжа эса,

ғалабасини мустаҳкамлаш учун Самарқанд сари юрди. Бироқ ўшадаврда Самарқандда сарбадорлар хукмронлик қиларди.

Маълумки, сарбадорлар ҳаракати X1У асрнинг 30- йилларида Хурисонда ижтимоий ҳаракат сифатида бошланди ва мўғулларнинг босқинчилик сиёсатига ва уларнинг тартибларига қарши қаратилган эди. "Сарбадор" сўзи "боши дорда" деган маънони билдиради. Сарбадорлар "агар ғалаба қозонсақ, халқнинг мўғул зульмидан озод қилган бўла миз, борди-ю ғалабага эриша олмасак, унда дорга осилиш учун таермиз, негаки азоб- уқубатларга ортиқ бардош бериш мумкин эмас" дер эдилар. Бу ҳаракат Самарқандга 1360 йилда кириб келди. Унда хунармандлар, дукондорлар ва ўзларини ғозийлар, деб атаган айрим мадраса муаллимлари фаол қатнашдилар. Илёсхўжа кўшинларининг яқишлишиб келаётганини эшишиб ҳаракат йўлбошчилари- Самарқанд мадрасасининг талабаси Мавлоназода, собиқ пахта саваловчи Абу Бакр Калавий, камонбоп Хўрда ки Бухорийлар жоме масжидига тўпланган 10 мингга яқин аҳолига мурожаат қилиб ислом ва халқни мўғуллардан химоя қилишга даъват этишди. Курилган таергарликдан сўнг , шаҳар аҳолиси Илёсхўжага зарба беради ва мўғуллар Мўғулистанга қайтиб кетишга мажбур бўладилар Бундан хабар топган Ҳусайн билан Темур Самарқанд сари йўлга чиқдилар ва хийла билан лагерларига сарбадорлар раҳбарларини чақириб олиб, қатл қилдилар. Бироқ, бизгача етиб келган маълумотларга кўра, Темур Мавлонзодани ўлимдан сақлаб қолган, бунга Ҳусайн билан ўрталаридағи ихтилофлар сабабчи ёки Темур Мавлонзода билан алоқада бўлган, деган тахминлар бор. Шу даврдан Темурнинг ғаразгўй, ғоят хасис Амир Ҳусайнга қарши кўраши бошланади. Темурнинг хотини Улжой Туркон оғо (Ҳусайннинг синглиси) вафот этгандан сўнг ва натижада қариндошлиқ алоқалари ўзилганидан кейин Темур тез орада ғалаба қозонади. Амир Ҳусайн эса Хутталон-Жилен ҳокими Қайхусрав томонидан ўлдирилади. Шундай қилиб 1370 йилга келиб, Темур Мовароуннаҳр ва Хурисоннинг ягона ҳокимига айланди. Кўшинсаркардаларининг қурултойи Темурни Мовароуннаҳрнинг ягона хукмдори деб эълон қиласи. Шу даврдан бошлаб Амир Темур Кўрагоний унвонини олади. "Кўрагон" сўзи-хон куёви деган маънони англатади, ўшадаврда Чингизхон насл-насаби билан яқинлик қилиш ҳокимияттга эгалик қилган амирлар учун афзал ҳисобланарди. 1370 йилда Балхда Амир Ҳусайнни енгиб, унинг бева хотини- Сарой Мулкхонимга, Қозонхоннинг қизига уйланади. Темур фаолиятининг биринчи даврида, яъни 1360-1386 йилларда, Мовароуннаҳрда мўғул хонлигидан мустақил кучли марказлашган давлат тўзиш йўлида кўрашади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган турк ва тоҷик зодагонлари билан биргаликда ўзбошимча феодалларга, марказлашиш ва бирлашишга зид ҳаракатларга, мамлакатнинг парчаланган ҳолатда

сақлашга интилувчиларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши кураш олиб борди. Қисқа муддат ичида Темур Амударёнинг ва Сирдарё оралиғидаги ерларни, Фарғона ва Шошни ўзигабуйсундириб бирлаштиради. 1372-1388 йиллар орасида Хоразмни тўлабуйсундириш учун 5 марта юриш қиласи, ва 1388 йилга келиб Хоразм ерларини таркибиға қушиб олади. Темур X1У асрнинг 80 йиллари ўрталариға келиб, мамлакатида бутунлай осойишталик ўрнатади. Амалда ҳукмрон бўлса ҳам, Темур даврида давлат тепасида Чингизхон авлодидан бўлган Суюрғотмиш (1730-1380 йй) ва Султон Маҳмудхон (1380-1402 йй) расман туришган эди. Темур вафотидан сўнг эса, у тартиб бекор қилинди ва олий ҳукмдорлар ўзини подшо деб эълон қилдилар. Бироқ Темур ҳаётлигида ҳам бу империя том маънода марказлашган давлат эмас эди ва тўрт улусга бўлинган: Ҳурносон, Журжон, Мазондарон ва Сейистон (маркази Хирот шахри) Шоҳрухга: Гарбий Эрон, Озарбайжон, Ирок ва Арманистон (маркази Табриз) Мироншоҳга, Форс, яъни Эроннинг жанубий кисм и (маркази Шероз) Умаршайхга; Афғонистон ва шимолий Ҳиндистон (маркази дастлаб Газна, кейинчалик Балх) Пирмуҳаммадга суюргол қилиб берилган эди. "Суюргол" темурийлар даврида феодал ер инъом қилишнинг кенг тарқалган тури эди ва шаҳзода ҳамда амирларга тожу-тахт олдида қўрсатган катта хизматлари учун шартли тарзда инъом қилинган ер, сув ва уни идора қилиш ҳуқуқи эди. Темурийлар даврида "тархон" ҳам кенг тарқалган эди. "Тархон" деганда ер, мулк ёки бирорта шахс қўлидаги давлат хазинаси фойдасига тўлайдиган солиқ, йиғинларидан ва мажбуриятларидан озод қилиниши тушунилади. "Суюргол" одатда абадий фойдаланиш учун берилса, "тархон" вақтинчалик берилган инъом эди. Темур давридаэк улуслар, гарчи марказий ҳукуматга итоат этсалар-да, маълум мустақилликка эга эдилар. Улус ҳукмдорларининг давлат аппарати, мустақил қўшини бўлиб, уларнинг марказий ҳукуматга тобелиги хирожнинг (даромад солиги) бир қисмини Самарқандга юбориб туришдан иборат эди. Вилоят ва туманларда ҳокимијатт марказий ҳукумат тарафидан тайинланган доруғалар қўлида эди. Давлат ишлари асосан уч муассаса (девон) қўлида бўлган: девони олий (марказий ижроия органи), девони мол (молия ишлари махкамаси) ва девони тавочи (ҳарбий ишлар махкамаси). Дин, шариат билан боғлиқ ишлар қози ва шайх-ул-ислом қўлида эди. Темур жаҳон "Тўзуклари"да берган маълумотларга кўра давлатни етти нафар вазир: 1) мамлакат ва раият ишлари бўйича вазир (бош вазир); 2) вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар бўйича вазир; 3) эгасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш ишлари вазири; 4) салтанатнинг кирим чиқим ишларини бошқарувчи вазир, яъни молия ишлари вазири; 5,6,7) сарҳад (чегара) вилоятларининг ишларини назорат этиб турувчи вазирлар бошқарган.. Етти вазирнинг барчаси девонбегига буйсўнг ан. Марказий ҳокимијатт орган идораларида каби, улус ҳокимлари

девонларида каби, вазирлардан бошқа турли табақадаги амалдорлар бўлган. Масалан, шайх-ул-ислом, қози ал-кўзот (олий судя), садри аъзам (вақф ерлари мутасаддийси), арзбеги (шикоятлар қўриб чиқувчи), мухассил (солиқ йиғувчи), ясовул (ҳукмдорнинг шахсий буйрукларини бажарувчи) ва бошқалар. Темур вақти- вақти билан сўроқпуруш, ревизия ва текшириш-тафтиш, тергов қилиш-таҳқиқ ўтказиб турган. Унинг салтанатида мансабини сустеъмол қилиш, ўғри-талончилик, ришват (пора) хўрлик, ичкилик бозлиқ, майший бўзуқлик, оғир гуноҳ, ҳисобланиб, бу иш билан машғул бўлганлар қаттиқ жазоланганд. Хусусан Яздийнинг ёзишича, Темур ҳатто ножуя ҳаракат қилгани учун фарзанди Мироншоҳ, ҳамда невараси Амирзода Пирмуҳаммадларни ҳам халқ олдида тегишли жазога тортган эди. Замондош тарихчиларни эътироф этишича, Темурнинг энг ҳарактерли хусусиятлари-давлат, мамлакат, фуқаронинг ғамхўри эканлиги давлат ишларини оғишмай, қаттийлик билан бошқарган.. Амир Темур исломни тарғиб қилиш, унинг ролини сиёсатининг ахлоқий-мағкӯравий омили сифатида кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Соҳибқирон даврида ислом динининг хақиқий хомийси эканини амалда тўлиқ намойиш этди. Барча руҳонийлар бу даврда дахлсиз ҳисобланган. Темур вақф ахкомини жорий этди. Унинг даромадлари ҳисобидан мадраса, масжид, хонақоҳларни маблағ билан таъмин этди. Диниз масалалар, хусусан исломий маросимлар, урф-одатлар ва шариат қонунларининг бажарилиши устидан мансаблар жорий этди. Улар мутаваллий, муфтий, қозикалон, мухташӣ номлар билан аталарди. Маълумки, Амир Темур ҳаётида учта пири бўлган. Улардан Сайд Барака, унинг учун алоҳида эътиборга, хурматга сазовор бўлган пир ҳисобланган. Сайд Барака Темур" қилич билан ниманики қўлгакиригитган бўлса, шулардан тоат-ибодат, ҳамда фатволар бериб дуогуйлик билан мустаҳкамлаб беришга ҳаракат қиласи,". Шундай қилиб, Амир Темур режа ва мақсадларини амалга оширишда мулқдор зодагонларга, ҳарбий кишиларга ва ҳалқа таъсир этаолаётган руҳонийларга таянган. Темур ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иктисодий ҳаёт да сезиларли ўзгаришлар юз берди. Чиқишида ни тиклаш ва ривожлантириш тадбирлари кўрилди. Янги суғориш каналлар қазилиши ва айрим эскиларининг тикланиши, экин майдонларининг кенгайишига олиб келди. Фалла, пахта ва бошқа анъанавий қишлоқлар хўжалик экинлари билан бир қаторда янги зигир, полиз экинлари (масалан, қовуннинг "Мири Темур" нави), хурмо экила бошлаган. Темур фармонига кўра экинзорлар яқинига ўтов ўрнатиш кўшни раҳбарларига тақиқланган. Унинг фармонига кўра янги Қишлоқлар вужудга келди, айниқса,, Самарқанд атрофида, бу эса дехқон аҳолисининг фаровонлашувига, энг муҳими-қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ўзаро кенгайишига , дехқонларнинг маҳсулотлари билан шаҳарликларнинг ҳунармандчилик буюмлари айир бошлишга ёрдам берди. Ҳунармандчиликнинг қадимги тармоқлари-тўкувчилик ва

тикувчилик янада ривожланди, қурол аслаҳанинг хилма-хил турлари, заргарлик, қоғоз ишлаб чиқариш жадал тараққий этди. Темур ва темурийлар даврида ер-сув, хунармандчилик қорхоналарининг катта қисми подшо хонадони ва феодаллар қўлида бўлиб, меҳнаткаш ҳалқ ерни ижарага олиб, бир қатор солик ва жарималар тўлашга, турли туман юмушларни бажаришга мажбур эди. Улар ичida "хирож"- хосилнинг 0,4 улуши, "аворизот"- урушлар даврида олинадиган солик, "жон солиги"- номусулмонлардан олинадиган солик, "доругаш", "миробона", "закот", "боштамға", "пешкали", "совари" ва бошқалар. "Бегар" деб аталадиган ҳашар ўшадаврнинг жуда оғир мажбурияти ҳисобланарди. Шаҳар деворлари, саройлар, масҷит ва мадрасалар, йўллар ва кўприклар, қалъалар ва бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган бошқа бинолар қуришга ва шунга ўхшаш ишларга дехқон аҳолисини зўрлаб жунатганлар. Шу билан бирга, Темур давлатида дехқонларнинг фидоийлиги эътиборга олинган. Масалан: бирор шахс ўзлаштирилмаган ерни ишлаб яроқли ҳолга келтирса, экин экса, бир йил соликдан озод этилган, иккинчи йилни хошишга қараб хохласа тўлаган, учинчи йили умумий солик қонунига буй сўнган. Баъзи вақтларда алоҳида туманлар аҳолиси вақтинчалик соликлардан озод э тилган. Бундай енгиллик берилиши қишилОқ хўлигини барқарор равишда ривожланишига ёрдам берди. Бу даврнинг солик сиёсатининг ижобий томони шунда эдики, жорий этилган қонунларга қатъий риоя қилинган, хукмдорларнинг ўзбошимчаликлигага йўл қўйилмаган. Темур ҳукмронлиги даврида ички ва ташки савдонинг кенгайтиришга катта эътибор берилди, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда савдо расталари, бозорлар ва йўлларни ободонлаштириш тадбирлари кўрилди, карvon йўлларида янги карвонсаройлар қурилди, шарқдаги ва ғарбдаги мамлекатлар билан тижорат иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинди. Темур бошқа хукмдорлардан фарқ қилиб давлатни бошқаришда кенгаш, маслаҳат яъни қрултойлар ўтказиб туради. Шарофиддин Али Яздий маълумотига кўра, бу қурултойларда мамлакат ва давлатнинг хўжалик соҳасидаги ҳамда ҳарбий аҳвол ҳақидаги энг муҳим масалалари муҳОқама этилар, мамлекат ва давлат учун зарурий ҳисобланган ишларни бажаришда бирла0Зшиб ҳаракат қилишга қаратилган ,қарорлар қабул қилинар, тадбирлар белгиланар эди.

Темур буюк империя барпо этар экан, у ҳақиқий юрт эгаси сифатида жамики моддий бойликларни, хунармандлар, санъаткорлар, меъморлар, олимларни Мовароуннаҳрга олиб келарди ва бу ердаги ички ресурсларни ҳам ишлатиб шаҳар ва қишлоқларни ободончилиги ҳамда аҳолининг осойишталиги учун сарфлади. Бунга Самарқанд, Бухоро, Хирот, Тошкент, Шаҳрисабз, Туркистон ва бошқа қўплаб шаҳарлар, улардаги хашаматли иморатлар тарихий гувоҳдирлар.

Амир Темур фаолиятининг иккинчи даврида (1386-1402 йй) арбий ҳаракатларни, урушларни Мовароуннахр ва Хурсондан ташқарида олиб борди. Темур кўпжанг қилган, лекин улардан " уч йиллик", " беш йиллик", ва " етти йиллик" ҳарбий юришларни айниқса, машҳур бўлган. Ҳарбий тарих Амир Темурни ўртаасрлар тарихидаги энг йирик лашкар бошларидан бири бўлган кўраги ерга тегмаган саркарда деб тан олади. Инқилобга қадар Франция ва Россия ҳарбий академияларга унинг ҳарбий санъати маҳсус дарс сифатида ўқитилиб келинган. унинг қўшини даврида энг қудартли ҳисобланган эди. Темур ҳар бир жанг режасини барча қисмлар учун тактик йўл йўриқларни ўзи ишлаб чиқарди. Темур ўрда си жамиятнинг ҳарбий - феодал шакли эди. Армия амалда ижтимоий қобиқ бўлиб, унинг ичидаги феодал муносабатлар ўсиб етиларди. Империя туманларга бўлинниб, ҳар бир туман ўн минг сипоҳ етказиб берадиган худудни билдираш эди. Буюк империясини тўзишда Темур жаҳон жасур қўшинига таянган эди. Бу борада у жаҳон "Темур тўзуклари" да шундай деган: "Амирлар, сипоҳсолар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳни таҳтини эгаллади. Эрон, Турон, Рум, Магриб, Шом, Миср, ИрОқи араб ва ИрОқи ажам, Мозандарон, Ғilonot, Ширвонот, Озарбайжон, Форс, Хурсон, Даشت жете, дашти қипчоқ, Хоразмда, Қобулистон, Боҳтарзамин, Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим" ("Темур тўзуклари", 54 бет) Дарҳақиқатни, Темур салтанатининг чегаралари шимолда Волга дарёсидан жанубда Ҳиндистондаги Ганг дарёсигача, Шарқда Хитой девори ва Фарбда ўрта Ер денгизигача катта ҳудуни ичига олди.

Темур 1376-1395 йилларда Олтин ўрда хони Тўхтамишга қақшаткич зарба бериб, унинг пойтахти Сарой Беркани эгаллайди. 1386 йилги уч йиллик, 1392 йилдаги беш йиллик ва 1399 йилги етти йиллик рушулари натижасида Эронни 1392-1397 йилларда Арманистон ва Грўзияни, 1398-1399 йиллрада Ҳиндистонни, 1400 йилда Миср сурия ерларини босиб олди. 1402 йилда Анкара яқинидаги Усмон тўқрларнинг сultonи Боязидни асир олди. Объектив равишда бу урушлар босқинчилик урушлари эди, лекин шу нарсани таъкидлашимиз жоизки, Олтин ўрда забт этилиши рус халқларини 2,5 асрлик мўғуллар истилосидан куткариб, мустақиллигини кўлгакиритишга сабаб бўлди. Бу борада рус тарихчилари Б.Д. Греков ва А.Й. Якубовский бундай ёзадилар: "Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган зафари, Астрахан ва, айниқса,, Олтин ўрда пойтахти Берке-Саройнинг 1395 йилда таланиши ҳамда ёндирилиши нафақат ўшадаврдаги жануби- шарқий Европа учун эмас, балки Рус учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлди Рязан тупроғини босқинчиларча талаган ўша Оқсоқ Темур Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси билан объектив тарзда ўзи билмаган ҳолда Рус ерига хизмат

кўрсатди". Боязид Йилдирим устидаги ғалаба эса, Усмон туркларнинг Болқон славянларнинг ерларини босиб олиш режаларини 50 йил орқага суриб юборди.

Темурнинг вақтинчалик урушларини фақатгина ўлжа ортириш мақсадини кўзлаган дейиш хато бўлар эди. Чунки у олдига жаҳон савдо карvonлари ҳаракат қилаётган йўлларга ҳукмронлик қилишни мақсад қилиб қўйган эди. У савдо карvonлари ҳаётида му

хим ўрин тутган Азов, Сарой, Урганч каби савдо шаҳарларини хонавайрон қилиш ҳам, барча савдо йўлларини ўртаосиё орқали ўтишига эришишга қаратилган эди. Шу боис, 2Темур 1404 йилда Хитойга қарши юришга тайёрлана бошлади. ва 1405 йилнинг кишида 200 минг кишилик кўшин билан ўтрор шахрида тухтаган пайтида 18 февралда зотилжам касалидан вафот этади ва бу юриш якунланмай қолади Амир Темурнинг Саркардалик маҳорати дунё аҳамиятига эгадир ва жаҳон ҳарбий академияларда маҳсус ўрганилади.. Амир Темурнинг ҳарбий юришларида эришган ғалabalари, ташқива ички сиёсатида ўтган одилона йўли давлатни қудратини ошиши ва жаҳон миқесида кўтарилишида ҳал қилувчи омил бўлди Хорижий мамлакталар билан алоқалар ўрнатиш ва муносабатларни ривожлантириш тадбирлари олиб борилди. Европа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга олиб борадиган ҳалқаро савдо йўли -"Буюк ипак йўли" нинг барча асосий юналишларини эгаллаб олган Темур ,уни тикланиши ва кенгайишига аҳамият берди. Бу йўлда карvonларнинг хавфсизлиги таъминланди. Бу эса бир-биридан иктисади, ҳалқ турмуш-тарзи, дини, маънавий-моддий маданияти жиҳатидан фарқланувчи мамлакатларнинг ўзаро алоқасини ривожлантиришга имкон берди. Амир Темур қатор хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган эди. У Византия, Венеция, Генуя, 2Испания-Кастилия, Франция, Англия билан янги даврдаги Европанинг йирик давлатлари билан алОқа урнатиш ва мустаҳкамлаш соҳасида фаолият олиб борди. Farb ва Шарқда уни доно раҳбар, ҳарбий санъат устаси сифатида тан олишган. XУ асрда Темурга "Европа ҳалосҚори" деган ёдгорлик ўрнатилган. XУ1 асрда К.Марло "Буюк Темурлан" деган пьеса яратди, А.Г.Гендел XУШ асрда " Темурлан" деган опера ёзди.

Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятидан маълумот берувчи қимматли манба Темур тўзуклари" хисобланади. Унда барча вОқеалар Амир Темур номидан хикоя қилинади. асли эски ўзбек тилида ёзилган бу асар, форс инглиз, урду, францсўз, рус ва Ҳозирги ўзбек тилига ўгрилган. У икки қисм дан Темурнинг Мовароуннаҳрда салтанатни киритиш учун олиб борган урушлари ва бу борада ўтказган кенгашлари , амирлар билан олиб борган мўзОқаралари ҳақида ги тафсилотлар диққатни жалб қиласи.

Иккинчи қисм ида Амир Темурнинг давлатни бошқариш, да кимларга таяниш, тожу таҳт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва унининг бошлиқларинин сайлаш, сипохларнинг маоши, мамлакатни идора этиш тартиби, давлат арбоблари ва қўшинбошлиқларининг бурчаи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тақдирлаш тартиби ва бошқалар ҳақидаги тузуклари, яъни йўл – йўриқлари, қонун-қоидалари, насиҳатлари ўрин олган. Шу боис бу асар даврида кўплаб шоҳ ва шаҳзодалар учун зарур бўлган. Уни кўплаб хукмдорлар кутубхоналарида сақлаб, ундан давлатни идора қилиш санъатни ўргангандар. Бу борада рисолада берилган давлатни идора қилишдаги о\никки қоида эътиборга моликдир.

1. Ислом дини ва саҳариат қоидаларига риля қилиш;
2. Турли табакалар, тоифалар билан биргаликда бамаслаҳат ишни ва сиёстни юргизиш.
3. Тадбиркорлик, фаоллик ва хушерлик, эҳтиёткорлик билан иш кўриш;
4. Давлат ишларини салтанат қонунларига асосланиб бошқариш,;
5. Амирлар ва сипохлар билан яхши муносабатда бўлиш, уларга иззат ва хурмат кўрсатиш;
6. Адолат ва инсоф билан иш кўриш;
7. Сайдлар ва уламою- машойих, оқил, у -донолар, мухандислар, тарихчиларга иззат ва хурмат курсатиш;
8. Азму - жазм билан иш тўтиш:
9. Раият (оддий халқ)нинг ҳол- аҳволидан доимо огоҳ бўлиш.
10. Турк, тожик, арабу ажамнинг турли тоифаларидан паноҳига кирган кишиларга хурмат билан қараш;
11. Фарзандлар ва қариндошлар, ошна -оғайни, қуни-қушниларга ҳамма вақт бирдек иззат ва хурмат кўрсатиш;
12. Дўйстдушманлигига қарамай ҳар жойда ҳам сипохларни хурматлаш. Амир Темур нинг карашлари ва давлат бошқарув усуслари даври учун канчалик муҳим бўлган бўлса, Ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқ. Отгани йўқ ва мустақил Ўзбекистонни мустаҳкамлашда ундаги фикр, хулоса, насиҳатлардан фойдаланилмОқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бежиз таъкидламаганидек: "Амир Темур тўзукларини ўқисам худди бугунги замоннинг катта катта муамоларига жавоб топгандек бўла ман". Темурнинг жаҳонгирлик қоидаси хақиқатни сихат-саломатлик, хақиқатни-тартиб, ҳақиқий адолат деб тушунилган. Асосий шиори эса "русто-ности", яъни маъноси "куч адолатда". Ибн Арабшоҳ асарида қуйидагича ёзади: "Темур тамғасининг нақши "русто-ности" бўлиб, ҳақгўй бўлсанг нажот топасан демакдир". темур учун адолат

масаласида оддий фуқаро ҳам, амалдор ҳам тенг эди. Бу борада, яна бир эътиборли томони шу эди, Темурнинг вазифаларидан иккитасига ўта маъсулиятли, ҳар қандай шароитда ҳам соҳибқиронни ўзини кўзатиш, уни доим тўғриликка дават этиш вазифаси юклатилган эди. Темурнинг фарзандларига қилган васиятида: " Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангизdir. Заифларни кўринг, йўқ силларни (бойлар) зульмига ташламанг. Адолат ва яхшилик қилмоқ дастўингиз, раҳбарингиз бўлсин". Амир Темур фаолияти ва унинг тўзуклари инсоният тарихида тенги йўқ. Марказлашган давлатчиликка, қонунчиликка асос солиш билан дунёning кўпмамлакатларида ўрганилиб, Ҳозирги кунда ҳам мумхим аҳамиятга эга. Дарҳақиқатни, Ватанинни севиш, қадрлаш, унга сидқидилдан хизмат қилиш, унинг жаҳон миқесига чиқариш учун ҳаркат ,озодлик, тенглик, хурфикрлик, инсонпарварлик, ҳақиқий миллий ифтихор, меҳнат севарлик, ахлоқий пОқлик, меҳр-оқибат, ҳақгуйлик, саховат, биродарлик, илм-фанни қадрлаш каби фазилатларни қозониш ва уларни такомиллаштириш учун муҳимманбалардан бири. Миллий мустақил икка эришганимиздан кейин Амир Темурнинг хаёти ва фаолиятига муносиб баҳо бериш, иззатини ўрнига қувиш, атрофлича ўрганиш учун кенг йўл очилди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўзи ташаббускор бўлди Амир Темур фаолияти ва унинг Тўзуклари бугунги Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши, қудратли давлатни барпо этиш, умуман давлатчилик асосларини қайта тиклаш, миллий истиқлол мафқўрасини шаклантириш, ҳалқимизнинг миллий гурӯини, онгини юксалтириш, ўзлигини англаш, келгуси авлод аждодларимиз билан фахрланишга ўргатишда ўлкан манба. 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилинди ва мамлакатимизда кенг нишонланди. Тошкент, Шахрисабз, Самарқанд, шаҳарларида унга ҳайкаллар ўрнатилди. Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди . ЮнесКО қарори билан Амир Темур юбилейи жаҳон миқёсида нишонланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тадбирлар дунёning 50 дан ортиқ мамлакатида ўтказилди. Бир қатор мамлакатларда Конрад Аденаур ва Ҳалқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида илмий анжуманлар бўлиб ўтди. ЮнесКО раҳбарлигига Парижда бу санага бағишланган маданият хафталиги бўлиб ўтди. Нафақат Ватанимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам Амир Темур фаолиятига чуқур хурмат, иззат икром билан қаралиши; Темурийлар давлати тарихини ўганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилиши Соҳибқирон ғояларининг ҳамон долзарблиги ва ҳаётийлигининг эркин мисолидир.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998
2. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Ўзбекистон тарихи. 1999 йил, 1-сон
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., Шарқ, 2000
4. А.Сагдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т., Академия. 2000
5. Темур тузуклари Т., F.Фулом, 1997
6. Ш.Али Яздий. Зафарнома. Т. Камалак, 1994
7. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихи. (1-2 китоб) Т., Мехнат, 1992

Қарши мухандислик-иқтисодиёт институти
Технология факультети Озиқ овқат технологияси йўналиши
1-курс 186-гурух талабаси Абдирахимова Дилфузанинг
“Ўзбекистон тарихи” фанидан “Амир Темур давлатининг ташкил
топиши ва ўзбек давлатчилиги тарихида янги босқичга асос солиниши”
мавзусидаги рефератига
ТАҚРИЗ

Амир Темур буюк империя барпо этар экан, у ҳақиқий юрт эгаси сифатида жамики моддий бойликларни, хунармандлар, санъаткорлар, меъморлар, олимларни Мовароуннахрга олиб келарди ва бу ердаги ички ресурсларни ҳам ишлатиб шаҳар ва қишлоқларни ободончилиги ҳамда аҳолининг осойишталиги учун сарфлади. Бунга Самарқанд, Бухоро, Хирот, Тошкент, Шахрисабз, Туркистон ва бошқа кўплаб шаҳарлар, улардаги хашаматли иморатлар тарихий гувоҳдирлар.

Амир Темур фаолиятининг иккинчи даврида (1386-1402 йй) ҳарбий ҳаракатларни, урушларни Мовароуннахр ва Хурсондан ташқарида олиб борди. Темур кўпжанг қилган, лекин улардан "уч йиллик", "беш йиллик", ва "етти йиллик" ҳарбий юришларни айниқса, машхур бўлган. Ҳарбий тарих Амир Темурни ўрта асрлар тарихидаги энг йирик лашкар бошларидан бири бўлган кўраги ерга тегмаган саркарда деб тан олади. Инқилобга қадар Франция ва Россия ҳарбий академияларга унинг ҳарбий санъати маҳсус дарс сифатида ўқитилиб келинган. Унинг қўшини энг қудратли ҳисобланганлиги тўғрисида ва шу даврда маданият юксалганлиги хусусида фикрлар кенг ёритилган.

Тақризчи: “Ўзбекистон тарихи”
кафедраси ўқитувчisi:

X. Хосиятов.

Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти
Технология факультети Озиқ овқат технологияси йұналиши
1-курс 186-гурұх талабаси Абдирахимова Дилфузанинг
“Ўзбекистон тарихи” фанидан “Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва ўзбек давлатчилиги тарихида янги босқичга асos солиниши”
мавзусидаги рефератига
ТАҚРИЗ

XIV аср ўрталарига келиб, Чигатай улусидаги барқарорлық Қозонхон вафотидан сүнг (1336-1347) бархам топди. Сиёсий ва иқтисодий инқироз Амир Қозоғон (1347-1357) даврида янада авж олди. Амир Қозоғон фитна натижасыда ўлдирилгач, Чигатай улуси беклари ўзларини мустақил деб эълон қилдилар: Кешда Амир Ҳожи Барлос, Хўжандда Боязид жалойир, Балхда Ўлжой Буғо Сулдуз, Шибирғонда Мухаммад Ҳожа Аперди найман, Хутталонда Амир Кайхусрав ва Ўлжой Аперди, Тотканд ва Сарипулда Хизр Ясовурий, Кўхистонда Амир Сотилмиш хукмронликни қўлга киритдилар.

Амир Темур буюк империя барпо этар экан, у ҳақиқий юрт эгаси сифатида жамики моддий бойликларни, ҳунармандлар, санъаткорлар, меъморлар, олимларни Мовароуннахрга олиб келарди ва бу ердаги ички ресурсларни ҳам ишлатиб шаҳар ва қишлоқларни ободончилиги ҳамда ахолининг осойишталиги учун сарфлади. Бунга Самарқанд, Бухоро, Хирот, Тошкент, Шаҳрисабз, Туркистан ва бошқа кўплаб шаҳарлар, улардаги хашаматли иморатлар тарихий гувоҳдирлар.

Амир Темур фаолиятининг иккинчи даврида (1386-1402 йй) ҳарбий ҳаракатларни, урушларни Мовароуннахр ва Хурсондан ташқарида олиб борди. Темур кўпжанг қилган, лекин улардан "уч йиллик", "беш йиллик", ва "етти йиллик" ҳарбий юришларни айникса, машхур бўлган. Ҳарбий тарих Амир Темурни ўрта асрлар тарихидаги энг йирик лашкар бошларидан бири бўлган кўраги ерга тегмаган саркарда деб тан олади. Инқилобга қадар Франция ва Россия ҳарбий академияларга унинг ҳарбий санъати маҳсус дарс сифатида ўқитилиб келинган. Унинг қўшини энг қудратли ҳисобланганлиги тўғрисида ва шу даврда маданият юксалганлиги хусусида фикрлар кенг ёритилган.

**“Ўзбекистон тарихи”
кафедраси доценти**

Холиқулов П